# АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТИ УИЛЬЯМ ЖЕФФЕРСОН КЛИНТОН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Шахсан ўз номимдан ва Ўзбекистон халқи номидан Ўзбекистон делегацияси Қўшма Штатларда бўлган пайтида кўрсатилган мислсиз ҳурмат-эҳтиром учун самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Биз АҚШ маъмурияти томонидан ўзимизга кўрсатилган катта эътиборни юксак қадрлаймиз.

Сиз билан бўлган учрашув натижаси, жаноб Президент, улкан аҳамиятга эга бўлиб, нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки ундан ташқарида содир бўлаётган воқеаларнинг ҳам ижобий ривожланишига хизмат қилишига аминман.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва суверенитетини, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ва бозор янгиланишларини қўллаб-қувватлаётганингиз учун Сизга алоҳида миннатдорлик билдираман.

АҚШ давлат департаментида, Мудофаа вазирлиги ва Конгрессида олиб борган музокараларимиз, шунингдек йирик Америка компаниялари вакиллари билан учрашувимиз чоғида эришилган аҳдлашувлар бизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда стратегик ва ўзаро фойдали ҳамкорлигимиз учун кенг имкониятлар очиб беради.

Тинчлик ва барқарорликни таъминлашда, экстремизм, терроризм ва наркобизнесга қарши курашда жаҳоннинг турли минтақаларида, жумладан Марказий Осиёда ҳам таранг вазият ва қарама-қаршиликлар келиб чиқишининг олдини олишда шахсан Сизнинг ва АҚШ маъмуриятининг саъй-ҳаракатлари бугунги кунда Ўзбекистонда ва бутун минтақада кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, жаноб Президент, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар ҳамда Қўшма Штатлар халқига осойишталик ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром ила,

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

# РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ Б. Н. ЕЛЬЦИН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Борис Николаевич,

Сиз Россия Федерациясининг Президенти юксак лавозимига қайтадан сайланишингиз муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Сайлов якунлари Россия халқи келажакка катта ишонч билан қараётганини ҳамда Сизнинг демократик ва бозор ислоҳотларини давом эттириш борасидаги йўлингизни қўллаб-қувватлаётганини яққол тасдиқлади.

Сизнинг ғалабангиз Ўзбекистон билан Россия ўртасида таркиб топган дўстона ва тенг ҳуқуқли муносабатлар иккала халқнинг бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверади, деган ишончимизни кучайтиради.

Муҳтарам Борис Николаевич, шахсан Сизга янгидан-янги муваффақиятлар ва омонлик, Россия халқига эса фароғат ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**


*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

**1996 йил 6 июль, шанба № 85-86 (22.007).**

*Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган*


# ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 июль куни Германиянинг «Даймлер-бенц» концерни бошқаруви аъзоси доктор Клаус Мангольд раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мустақил Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги амалий ҳамкорлик алоқалари айнан «Даймлер-бенц» концерни билан ҳамкорликдан бошланганини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан «Даймлер-бенц» концерни ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, хусусан, янги қўшма корхона очиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабулда Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов, Бош вазир ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов иштирок этди.

Суҳбат чоғида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Райнхарт Биндзайл ҳозир бўлди.

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАҲОН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА





*СУРАТЛАРДА: учрашув пайти.*

**А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

***ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 5 ИЮЛЬ КУНИ ДИПЛОМАТИК КОРПУС ҲАМДА ТОШКЕНТДА ИШЛАЁТГАН ХОРИЖЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН АНЪАНАВИЙ УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ.***

Ислом Каримов апрель ойидаги учрашувдан сўнг ўтган уч ой мобайнида республикамиз ҳаётида ва халқаро сиёсий фаолиятида рўй берган муҳим воқеаларга тўхталишдан аввал Россияда бўлиб ўтган Президент сайлови натижаларидан мамнуният билдирди. Сўнгра юртбошимиз Италия ва Америка Қўшма Штатларига ташриф якунлари, халқаро ташкилотлар билан мамлакатимиз амалга ошираётган ҳамкорлик, хорижий давлатлар билан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар хусусида сўзлади. *(Президентимизнинг ушбу учрашувда сўзлаган нутқи матбуотда эълон қилинмоқда).*

Ўзбекистон раҳбари учрашув ниҳоясида журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарди.

Журналистлар Ўзбекистон делегациясининг Италия ва АҚШга муваффақиятли ташрифи мамлакатимизнинг МДҲ давлатларига нисбатан сиёсатида қандай ўзгариш ясаши мумкинлиги хусусида қизиқдилар. Ислом Каримов Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини истиқболли деб билишини ва ҳамдўстлик доирасидаги муносабатларни, иқтисодий алоқаларни ривожлантириш унга аъзо бўлган барча мамлакатлар халқлари учун манфаатли эканини таъкидлади.

— Ўзбекистон МДҲ доирасидаги иқтисодий, инсоний алоқаларни чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш тарафдоридир, — деди, жумладан юртбошимиз. — Бироқ, биз МДҲнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этилишига, «янада чуқурроқ интеграция» ниқоби остида давлатдан устун турадиган қандайдир тузилмалар барпо этишга интилишга қатъиян қаршимиз.

Ислом Каримов куни кеча Қирғизистон Президенти Асқар Акаев билан АҚШга ташриф якунлари хусусида телефон орқали суҳбатлашганини айтди. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон халқи мамлакатимиз эришган ютуқдан шубҳасиз қувонишини, зеро, Ўзбекистон халқи ҳам доимо бу қардош юртлар халқлари муваффақиятларидан шодланишини қайд этди. Шу ўринда Ислом Каримов минтақавий интеграция самарали ҳамкорликнинг энг истиқболли шаклидир, деган фикрида қатъий турганини ҳам таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон делегациясининг АҚШ Мудофаа вазирлигидаги музокаралари, у ерда эришилган натижалар ҳеч кимни чўчитмаслиги керак. Чунки, Ўзбекистоннинг АҚШ билан бу соҳадаги ҳамкорлиги бирор бир давлатга қарши қаратилмаган. Аксинча, бутун дунёда, хусусан Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Озодлик» радиоси мухбири инсон ҳуқуқлари муҳофазаси билан шуғулланувчи «Ҳюман Райтс Вотч (Хельсинки)» ташкилотига мамлакатимизда ваколатхона очишга ижозат берилгани республикамизда демократиянинг кенгайиб бораётганидан далолат эканини таъкидлади ва бундай ўзгаришларнинг сабаблари ҳақида сўради.

— Бунда ҳеч бир ғайритабиийлик йўқ, — деди Президент. — Сабаби: Ўзбекистон истиқлолнинг илк одимлариданоқ иқтисодий, сиёсий, маданий соҳада ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан пухта дастур асосида иш кўра бошлади. Жамиятни демократиялаш инсон онгини ўзгартириш билан боғлиқ бўлиб, бунда халқнинг ўзига хослиги, анъаналарини ҳисобга олиш ғоят муҳимдир. Юртбошимиз шу боис Ўзбекистон сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда ҳам «шок терапияси»ни эмас, босқичма-босқич илгарилаш йўлини афзал билганини, бу йўл айни пайтда ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатимиз олдида сиёсий соҳада уч муҳим муаммо турганини айтди. Конституциямизда ва бошқа қонунларда белгиланган ҳуқуқларимизнинг тўла амал қилиши таъминланишига, жамиятдаги қатламлар манфаати учун курашадиган сиёсий партиялар фаоллигига, матбуотнинг Ғарб давлатларидагидек даражага чиқишига эришиш шулар жумласидандир. Ислом Каримов шу ўринда мухолиф партиянинг мавжудлиги ўша мамлакатдаги демократия мавжудлиги кафолати эканини таъкидлар экан, юртимиздаги партияларнинг тез орада оёққа туришига ишонч билдирди. Европа Иттифоқи ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик бу муаммоларни тезроқ ҳал этишда муҳим ўрин тутишини қайд этди.

— Президент Билл Клинтон билан Оқ уйда бўлиб ўтган учрашувимиз чоғида АҚШ Ўзбекистон истиқлолининг мустаҳкамланишидан манфаатдор эканини айтди, — деди Ислом Каримов Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларида мамлакатимиз хавфсизлигининг ўрни хусусида берилган савол-


**(Давоми 2-бетда).**


# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ДИПЛОМАТИК КОРПУС ҲАМДА ТОШКЕНТДА ИШЛАЁТГАН ХОРИЖЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Дипломатик миссияларнинг ҳурматли бошлиқлари, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, хонимлар ва жаноблар,

Сизлар билан яна учрашиб турганим ҳамда барчангизни соғ-саломат кўраётганимдан беҳад хурсандман.

**1. РОССИЯДАГИ САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИГА ДОИР**

Энг аввало, Россияда бўлиб ўтган сайлов натижаларидан мамнун эканимни ҳамда бу натижаларни қўллаб-қувватлашимни изҳор этишни истар эдим.

Бизнинг бу сайловга оид тахминларимиз тўғри чиққанидан хурсандман. Энг муҳими — Россияда бўлиб ўтган сайлов, Б. Ельциннинг 2-муддатга сайланганини Россиянинг демократик ислоҳотлар ва янгиланишлар томон тутган йўли тўғри эканини исботлади, Россиянинг бозор ислоҳотлари йўлидан бораверажагини яна бир бор тасдиқлади.

Бугун комил ишонч билан айтиш мумкинки, Россиядаги сайловчиларнинг кўпчилиги эски тузумга, қотиб қолган коммунистик догма ва меъёрларга, маъмурий-буйруқбозлик, тоталитар, мафкуралаштирилган тизимга қайтишни истамади.

Биз бу ҳодисада Россия халқининг иродасини, Россиянинг СССРнинг барча собиқ республикалари — бугунги кунда мустақил ва суверен давлатлар билан дўстлик ва тенгликда яшаш, улар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосда муносабат ўрнатиш истагини кўрамиз.

Айни пайтда биз бу ҳодисада СССР Иттифоқини қай шаклда бўлмасин тиклашга бўлган ҳар қандай уринишларнинг ҳам барбод бўлганини, янги суверен давлатларга ихтиёрий-мажбурий тарзда эски тизим, эски иттифоққа қайтишга мажбур қилишдан бош тортишни ҳам кўришни истар эдик.

Борис Николаевич Ельцинни улкан ғалаба билан табриклаш, унга сиҳат-саломатлик ҳамда Россия Федерацияси Президентидек масъулиятли вазифадаги ишида муваффақиятлар тилаш менга катта мамнуният бахш этади.

**2. ИТАЛИЯ ВА АҚШГА ТАШРИФЛАР**

Сўнгги учрашувимиздан буён ўтган уч ой мобайнида республикамиз ҳаётида муҳим воқеалар шу қадар кўп бўлдики, мен тартибдан бироз чекинган ҳолда уларнинг айримларига тўхталиб, улар орасидан халқаро-сиёсий фаолиятимиздаги асосий воқеаларни ажратиб кўрсатишга ҳаракат қиламан.

Бизнинг жаҳон ҳамжамиятига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида кириш борасидаги стратегик йўлимизни фаол равишда давом эттириш ҳамон Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналиши бўлиб қолмоқда.

Эсингизда бўлса, мен апрель ойидаги учрашувимизда **Европа Иттифоқи билан муносабатларимизнинг ривожланиб бораётганидан** жуда мамнун эканимни изҳор этган эдим.

Йил бошида Европа Иттифоқи кенгаши ташқи ишлар вазирлари даражасида Ўзбекистон билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш бўйича музокаралар олиб боришга қарор қилган эди. Март ойида Брюсселда бу музокараларнинг биринчи босқичи муваффақият билан ўтди. Европа Иттифоқи комиссиясининг раиси Ханс Ван Ден Брукнинг Ўзбекистонга самарали ташрифи ҳам юз берди.

21 июнь куни Флоренцияда, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари мажлисида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим тантанали вазиятда имзоланди.

Маросимнинг ўзига келсак, илгари бундай битимни имзолаган янги мустақил давлатлар орасида фақат Россиягина ана шундай шарафга муяссар бўлган..

Бу битим муносабатларимизнинг мустаҳкам ташкилий пойдеворини қўйибгина қолмай, уларни бутунлай янги даражага кўтаради ҳам.

Бу битим мамлакатимиз эга бўлган салоҳиятдан янада тўлароқ фойдаланиш имконини беради.

Шуни алоҳида қайд этишни истар эдимки, шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги мазкур битим кенг савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан бир қаторда, зарур бўлган тақдирда, олий даражада сиёсий маслаҳатлар ўтказишни ҳам назарда тутади.

Имзоланган битим икки томоннинг фаол шериклик асосини ташкил этишга бўлган интилишидан далолат бўлибгина қолмайди. У Ўзбекистонда демократик жамият муваффақият билан қурилаётганини, халқларимиз инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, фуқаро эркинлиги ва ҳуқуқий давлат сингари умумий қадриятларга содиқ эканини ҳам яққол кўрсатиб турибди. Назаримда, бу ҳужжат қачондир айтилган «Ғарб ғарблигича, Шарқ шарқлигича қолаверади, ҳеч қачон уларнинг қони қўшилмайди», деган гапни ҳам чиппакка чиқаради. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўтган йилларда амалга оширилган барча ишлар, Ғарб мамлакатлари билан кундан-кун мустаҳкамланиб бораётган муносабатлар бунинг аксини кўрсатиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, Европа давлатларининг Тошкентда фаолият кўрсатаётган элчиларига самимий миннатдорлигимни изҳор этаман. Улар дастлабки пайтданоқ Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолашга бўлган ҳаракатимизда бизга ҳар томонлама ёрдам ва кўмак бер-


**(Давоми 2-бетда).**


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Буюк давлат арбоби, маданият ва санъат ҳомийси Амир Темурнинг дунё тарихида тутган ўрни ҳамда темурийларнинг илм-фан, маориф ва маданият тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаларини тарғиб этиш, келажак авлодларни миллий қадриятларга чексиз ҳурмат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси, Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси ва Халқаро Амир Темур жамғармасининг кино муассасаларида, ўқув юртларида, жумладан, Темурийлар тарихи давлат музейида намойиш қилишга мўлжалланган махсус илмий-оммабоп, ҳужжатли фильмлар яратиш бўйича кўрик-танлов ўтказиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Амир Темур ва темурийлар тарихига оид илмий-оммабоп, ҳужжатли фильмлар кўрик-танловининг ҳайъати 1-иловага, кўрик-танлов низоми 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси бир ҳафта


**(Давоми 2-бетда).**


# ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Сиз 1996 йил 23 апрелда ЮНЕСКОда менга совға ва «Шуҳрат» медалини топширганингиздан бахтиёрман. Президент жаноблари, мамлакатингиз ва Сиз томонингиздан кўрсатилган шараф учун Сизга чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Амир Темур давлатининг юраги бўлган ва менинг азиз дўстим, темурийлар авлодидан бўлмиш раҳматли Исломбек Худоёрхон туғилган мамлакатнинг миннатдорлик нишонини қабул қилиб олган пайт ҳаётимдаги ҳаяжонли дақиқалар бўлди.

Мен фурсатдан фойдаланиб, бизнинг «Темурийлар даври санъати ва тарихини ўрганиш ҳамда Франция-Ўзбекистон маданий алоқалар уюшмаси» аъзолари номидан, хусусан, уюшма бош котибаси Фредерик Брессан хоним номидан миннатдорлик изҳор этаман. Ф. Брессан хоним мен каби Ўзбекистон тарихи ва маданиятини севади ҳамда ўзини шу тарих ва маданиятни Францияда оммалаштиришга бағишлаган.

Сиз мени тақдирлаган ҳурмат белгиси Амир Темур ва унинг кенг кўламдаги фаолияти тўғрисидаги илмий тадқиқотларим ҳамда изланишларимни давом эттириш ва чуқурлаштиришга руҳлантиради. Сизнинг мамлакатингиз Амир Темур таваллуд топган санани шу йилнинг октябрь ойида катта шодиёна ва ҳурмат-эҳтиром билан нишонламоқчи эканлигидан ғоят хурсандман. Мен 1961 йилда Самарқандда бўлганимда ажойиб кунларнинг бирида шундай воқеа содир бўлишига ишонмаган эдим: қодир Аллоҳ.

Сиз менга кўрсатган шараф учун яна бир марта Сизга ташаккур билдиришимга ижозат бергайсиз.

Жаноби олийлари, Сизга бўлган камоли эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Профессор Люсьен КЕРЕН.**
**Франция.**

# МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

4 июль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида БМТ Ўзбекистондаги вакилининг ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан ишлаш бўйича маслаҳатчиси Бланка де Толедо хоним, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонга Ўзбекистон ХДПнинг янгиланаётган жамиятда тутган ўрни, партия ташкилотлари ва аъзоларининг мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов бошчилигида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, демократик ҳуқуқий давлатни бунёд этиш жараёнидаги фаол иштироки ҳақида сўзлаб берди, уни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Суҳбатда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Авезов ҳозир бўлди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.**

# UZBEKISTON OVOZI TIMES

№ 6 ● July 6, 1996 ● Saturday




# NEW PAGE IN THE HISTORY OF UZBEK-AMERICAN PARTNERSHIP

Yesterday in American Embassy in Tashkent the ambassador extraordinary plenipotentiary Mr. Stenly Tuamler Eskudero met with Uzbek and foreign journalists. The meeting was devoted to the visit of I. Karimov to USA.

Mr. S.T. Eskudero answered to all the questions which were given by representatives of Mass Media.

He said that the visit of Karimov was full of meetings as high state level as the meetings with businessmen of USA.

- The visit of President I. Karimov to USA was very productive - continued Mr. Eskudero. - The negotiations with the President of famous corporation for defending of foriegn investments in abroad Mrs. R. Harkin, with Secretary of Defence of USA, W. Perry, with presidents Energy and Finances, with members of Congress, with leaders of large firm and companies in Huoston and in Denver, where were signed documents about cooperation in the sphere of oil-gas industry, opening the Embassy of Uzbekistan in Washington opened the new page in the history of Uzbek-American partnership.

The meeting of president of Uzbekistan I. Karimov with president of USA B. Klinton is an important event in the development of both side partnership. The main aim of president Karimov's visit was to present all informations about natural resources, energetical potencial, about conditions, privilege and guarantees in the country for foreign enterprises.

Then Mr. Eskudero said that the visit of president of Uzbekistan to USA will be stone in making the foundation of Uzbek-American partnership.

Answering to the questions of journalists the ambassador of USA in Uzbekistan said that after official meetings some representatives in addition asking more and more questions about possibilities of Uzbekistan. They interested in coperation with uzbek representatives, the results which will be fruitful in near future.

## *FOUNDER OF "UZBEK MODEL" OF REFORMS -*

***The Manager of the American "White and Case" law company's office in Tashkent, Denise Hamer, comments on President Karimov's visit to the United States. She calls President Karimov a founder of the "Uzbek Model" of reforms. Ms. Hamer came to this conclusion after having learned Mr. Karimov's five principles of transition to a market economy.***

## PRESIDENT-TO-PRESIDENT MESSAGES

**Messages to President Karimov from the President of Latvia, Guntis Ulmanis, and the President of the European Bank for Reconstruction and Development, Jacques de Larosiere, are published by all major newspapers. Both Presidents express their gratitude to Islam Karimov for his hospitable reception during their recent visits to Uzbekistan.**

# UZBEKISTAN STRENGTHENS RELATIONS WITH PENTAGON

***USIA report on President Karimov's visit to the Pentagon. According to USIA, they discussed the establishment of partnership relations between the National Guard of Louisiana and the Armed Forces of Uzbekistan; the establishment of relations between members of the Armed Forces of both countries, the creation of a defence conversion committee; and Uzbekistan's further participation in the "Partnership for Peace" program. The creation of military attache positions both in the U.S. Embassy in Uzbekistan and in the Uzbek Embassy in Washington was welcomed by President Karimov and Secretary Perry. Mr. Perry also supported the initiative of the Central Asian battalion to organize joint military exercises in Central Asia.***

## *OSI OPENS INFORMATION CENTER IN TASHKENT*

*The U.S. Open Society Institute (OSI) has opened an information center in Tashkent. OSI was founded by George Soros in 1993 in New York and is also known as the Soros Foundation. The new center in Tashkent will supply information regarding the Foundation's programs and will give grants to undergraduates and graduates of Uzbekistan for study overseas. The center will also finance cultural, public and legislative projects offered by non-government organizations.*



The Urgut brides.

Photo by Muhammad AMIN.




USA Today

## U.S. TROOPS MAY HEAD TO SAUDI DESERT

The 1,500 American troops now in Riyadh, Saudi Arabia, may be moved to a secluded desert south of the city to protect them from future bomb attacks, Defense Secretary William Perry said Thursday.Also, NBC Nightly News said U.S. and Saudi investigators identified the bomb that killed 19 American servicemen in Dhahran on June 25 as a 3,000- pound plastic device known as a rapid detonating explosive. They also believe the terrorists had a foreign backer, possibly from Iran.

## DISSIDENT: ANOTHER BOMB TRY BY SAUDI TERRORISTS FAILED LONDON

Terrorists tried to bomb a Saudi Arabian shopping center frequented by American civilians three days before the lethal attack on a U.S.military complex in Dhahran, a Saudi dissident said Thursday. Mohammed al Masari, who publishes reports from his London base on alleged human rights abuses by the Saudi royal family, did not specify what group planted the bomb or who defused it. His claim could not immediately be confirmed.

## 8 DEAD IN OHIO FIREWORKS BLAZE SCOTTOWN

Ohio — A fire that apparently began on a dare left 8 people dead and 12 injured at an Ohio fireworks store Wednesday. Todd Hall, 24, of Proctorville, was accused of lighting fi-reworks inside the store on a dare from two friends and is charged with involuntary ma-nslaughter in the deaths. "They just wanted a little excitement," said Sheriff Roy Smith. "They just got a lot more than they wanted".





GREECE. The temple of Parfenon.
INDIA. The famous Stone Column in Kutub Minar.
*Photos by Alisher RUZIEV.*

NANDO TIMES

## ARCHBISHOP SEEKS TO END FEUD AT LINCOLN CATHEDRAL

LONDON (Jul 5,) Not since the ecclesiastical intrigues of Anthony Trollope`s "Barchester" novels a century ago has England seen anythind like the feud at Lincoln Cathedral.

Education

## UZBEKISTAN- USA:

# ACTK (ACCELS SECONDARY SCHOOL PROGRAM)

*The Freedom Support Act was passed by the United States Congress to extend a hand of friendship from the people of the United States of America to the people of the Newly Independent States. The Freedom Support Act established the first large scale exchange program for NIS secondary school students to travel to the United States for a year.*

*Now in its fourth year in Uzbekistan, Freedom Support Act Secondary School Academic Year Program has provided scholarships to 172 secondary school students. In 1996-97 50 Uzbek students will be studying in the U.S on the freedom Support Act academic Year Program. Each scholarship recipient will live as a member of a U.S host family for the 1996-97 academic year and study in an American high school.*

*This scholarship program is fully funded by the United States government and administered by the United States Information Agency. The program is supported at the local level by U.S. citizens and local secondary schools who voluntarily host, educate,and support students with no financial compensation.*

*The recruitment, selection, orientation, and travel arrangements for the program are organized by two private, non-profit U.S. organizations.*

*The American Council of Collaboration in Education and Language Study (ACCELS) and Youth for Understanding (YFU).*

*Freedom Support Act Scholarships are merit based and open at no cost to all applicants meeting the following condition:*

*1. Meet the age/ grade reguirement set for Uzbekistan;*

*2. Be currently enrolled in a secondary school;*

*3. Have an academic standing of "good"(4)or better;*

*4. Have previous English language studies;*

*5. Meet U.S. visa eligibility requirements;*

*6. Be a citizen of Uzbekistan and able to receive an international passport.*

*Students participating in the program must return to their home country at the end of the program on the date assigned by the responsible organization. The U.S. visa issued to program participants will not be a mended or extended beyond the program end date for any reason.*

*Finalists are selected by independent panels of experienced educators in the United States. Program offers students an opportunity to learn about the people and culture of the United States and also to teach others about the people and culture of their country.*

**By Asliddin BOLIEV.**

BRAVMOBIL
СП АО "БРАВЕМОБИЛЬ"
официальный дистрибьютер известнейших фирм
реализует со склада в Ташкенте новые автомобили,поставленные по железной дороге

"ФОЛЬКСВАГЕН" (Германия)
"ПАССАТ", "ВЕНТО", "ТОЛЬФ", "ПОЛО", "ТРАНСПОРТЕР", "КАРАВЕЛЛЕ" - дизельные и бензиновые двигатели

"ШКОДА"Фелиция, "ШКОДА" Фелиция-комби - бензиновые двигатели.
"ШКОДА" (Чехия)





А также принимаются заказы на поставку автомобилей и запасных частей. Форма оплаты - любая.

У НАС :
Гарантия - один год!
Прямые поставки от завода!
Регистрация в ГАИ - без проблем!
Гарантийное и сервисное обслуживание!
Гарантия безопасности покупки!

Ташкент, площадь Дружбы народов, 1А
тел. (3712) 45-75-32, 45-04--63, факс (3712) 45-04-67
Самарканд, ул. Кук Сарай, 1, АО "Автомобиль-центр"
тел. (36662) 31-16-77



# ON THE LINES OF PARTNERSHIP

The Coca-Cola drinks have become very popular among the people of our country. The name of that joint-venture which operated here three years also became popular.

"What is the secret of your success?"We asked Glen Simpson head of financial department of Coca-Cola Tashkent LTD joint venture.

There are some main reasons for it, he answers. First an average temperature of wheather in Uzbekistan is about 23 degrees above zero. Secondly it is largest densely populated country, conveniences of ways and communications are good base for that. The most important thing is, there are enough laws and paths for doing business with foreign companies in this new independent country. The cabinet of head of financial department likes a residence. There are about 20 young people working hard on computers.

Looking to the facts on display its not difficult to find out the prestige of the enterprise. In front of the office there too many vehicles with variuos colours.

The agregats in the shops are lead by local specialists.

We have 400 workers Mr. Simpson says. Our enterprise likes a family. If every worker is a member of this enterprise, one could do affords for his own family.

We are satisfied with the work of our uzbek partners. They are well educated and diligent. They are quick to adopt new things.

The famous World Best Coca-Cola today is operating in more than 200 countries. Uzbekistan takes an important place for producing Coca-Cola among these contries. This drink is getting more and more enjoyable.

Resently Coca-Cola held its 110th anniversary. On the accasion of that data there began production new plants of Coca-Cola in Kazakhstan and Kirghistan.

The opening of the second plant last month means that Coca-Cola is becoming more and more popular. The Tashkent plant is occupying 7700 sguare metres and all its eguipment is new and modern.

They are producing 15 thousand of 0,5 liters bottles an hour of such drinks as Coca-Cola, Fanta and Bonakva. So about 250 thousand day. The prices are the lowest in our markets.

The Company declared that they will enlarge the investment up to 40 mln.dollars this year for this joint venture.

Coca-Cola Tashkent LTD is going to implement some news this year also.

One the eve of celebration the 660th anniversary of Amir Temur, Coca -Cola wants to open the third plant in Tashkent.

*By Abdulla PULATOV.*


MASTER-PRESS




**International press (more than 350 publications):**

* Newspaper "Herald Tribune"
* Newspaper "Financial Times"
* Newspaper "Le Monde"
* Newspaper "Nikkei"
* Magazine "The Economist"
* Magazine "Der Spiegel"

*Stationery of firm PANDA*
*Office Furniture*

**Our address:**
42, Lokhuty street, Tashkent.
tel: (3712) 33-95-47
fax: (3712) 36-35-73



ASIAN TECHNICAL COMPANY
TURON

**INVITES TO CO-OPERATION FOREIGN FIRMS**

engaged in production and supply of modern high-tech equipment and mini-technologies which are in a position to invest heavily in the development of technologies in Uzbekistan, jointly with the Asian Technical Company Turon, with its technical and financial assistance.

*We know your problems*

Tel./Fax: (3712) 44-59-55, 40-31-82, 44-55-12.
Paging: 067-3433.


**AN INSERT TO OUR "UZBEKISTON OVOZI" (The Voice of Uzbekistan) NEWSPAPER IS ALWAYS AT YOUR SERVICE.**

*One of the leading newspapers in Uzbekistan, "Uzbekiston ovozi", has an increasing number of readers across the country. Foreign companies and organizations are showing great interest in advertising in our newspaper. That's the reason why the editorial office is working hard to prepare ads in Uzbek, Russian, English and other foreign languages.*

*You are always welcome should you have any questions concerning ad placement.*

**Our address:**
Matbuotchilar str. 32, Suite 343-344, Tashkent
Phone: 33-38-55
Fax: 33-79-17

*The "Uzbekiston ovozi-times" is ready to work with you!*


**В помещении ГАБТа им. А.Навои ВПЕРВЫЕ ОТКРЫТ фестивальный буфет "НОВЫЙ МИР"**

**совместного узбекско-корейского предприятия "Хэдин Арк"**

- в меню 120 наименований блюд интернациональный кухни;
- современный комфортабельный интерьер;
- высокопрофессиональный бармен, прошедший стажировку в Японии и Америке, умеющий приготовить 80 разновидностей коктейлей;
- обслуживание высокого класса.

ЛАНЧ с 12.00 до 15.00
УЖИН с 18.00 до 22.00

Детям (с родителями) до 6 лет питание бесплатное, до 10 лет по льготной цене.
Возможны заявки, на коллективные посещения, на проведение презентаций, торжеств, на выездные фуршеты.

*ФОРМА ОПЛАТЫ ЛЮБАЯ.*

Тел: 33-15-99.
Телефакс: 33-33-22.



"NEW WORLD"
**the best Restaurant at the 2nd floor, Navoy theatre in Tashkent**
**Newly opened .**
**Cordially invites you at a fruitful gounlet`s tastes**

*A Wonderful Buffet Festival*

Special cuisines alternately from the more than 120's with **aluxurious palace-like atmospere,** courteouns service, cocktail from 80's recipe at the cozy Bar.

**LUNCH 12.00-15.00.**
**DINNER 18.00-22.00**

NEW WORLD RESTAURANT HAEJIN ARK

Special discount under 10 ages but free under 6 for the accompanied children.
The best catering services is always prepared upon your request for the opening ceremonies, celebration parties and all kinds of group reception.

*Reservation*
tel: 33-15-99
telefax: 33-33-22



Editor-in-chief
Azim SUYUN

Head of Editorial Board
Alisher RUZIEV,

Managing editor
Narzulla SHANIYAZOV,

Editorial Board:
Asliddin BOLIEV,
Alimkul SULTONOV,

Design and computer layout
Gulshan ASADOVA.

*For placing of ADVERTISEMENT please call by tell: 33-38-55, 33-54-55 or send fax: 33-79-14.*

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига**

# «ЎЛСАМ, АЙРИЛМАСМАН ҚУЧОҚЛАРИНГДАН...»

Ушбу сатрлар билан тугалланадиган шеърни сиз ҳам ёддан чиқармаган бўлсангиз керак. «Ватан, она сўзи нақадар азиз, сенсан ҳар нарсадан муқаддас, лазиз...»

Биз ўша пайтлар, рост айтадиган бўлсам, кўпинча шеърларнинг мағзини чақиб ўтирмасдик. Синфдошларимиз ҳузурида уни баралла овоз билан, тантанавор оҳангда ёдлаб берсагу, «беш» баҳо олсак — фикри-зикримиз шу эди. Фақат йиллар ўтгачгина бу каби шеърлар замирида қандай катта маъно яширинганлигини билиб олдик.

Ўша йиллари, юлдузли кечаларнинг бирида алламаҳалгача кўзларимга уйқу келмай ётарканман, ўзимга ўзим бир савол билан мурожаат қилган эдим: хўш, она-ку дунёда беқиёс, беназир, лекин инсон учун ундан кейинги энг муқаддас нарса нима? Сўнг ўзимга ўзим жавоб бергандим. Бу — Ватан.

Мана, эллик йил довон аллақачон ортда қолгач, бир ажойиб нарсани кашф қилдим. Эсимни таниганимдан бери ҳар ўн йилда Ватанга, киндик қоним тўкилган тупроққа муҳаббат туйғуси билан йўғрилган қандайдир бир эсда қоларли воқеа бошимдан ўтибди. Шу аснода қўлимга қалам олдим-да, уларни хотиротларим ипига маржон каби бирма-бир тиздим.

***

... Урушдан кейинги оғир йиллар. Қишлоғимизда Сталин зулми билан Ўрта Осиёга кўчиб келтирилган кавказликлар-чеченлар билан балқарлар яшашарди. Баттал деган балқар дўстим бўларди. У билан бирга далада мол боқардик. Кунлардан бирида Баттал даламизга келмади. Кейин билсак, саксонга кирган бобоси қазо қилган экан.

— Катта отам дунёдан армон билан кўз юмди, — деди дўстим эртасига кўришганимизда, — ўз юртимизга бориб, баланд тоғлар қўйнидаги овулимизда ҳаёт билан видолашишни ният қилиб юрарди.

— Қизиқ экансан, — елка қисдим, — одам дунёдан кўз юмгандан сўнг барибир эмасми қаерга дафн этилиши?

— Эҳ-ҳа, сен нимани ҳам билардинг?—дея Баттал, ёши мен билан тенг бўлса-да, елкамга катталардай қўл ташлади.

— Оғайнижон, дунёда, Ватандан азиз меҳроб йўқ. Ҳар кимга ўзининг киндик қони тўкилган тупроқ насиб қилсин экан! Мана, кўриб турибсан, бебатанмиз. Бундан ортиқ кулфат борми дунёда?!

Ўшанда мен Батталнинг сўзларига унча аҳамият бермагандим.

Орадан йиллар ўтди. 1956 йили Хрушчев Сталиннинг кирдикорларини тит-пит қилиб юборгач, «халқлар отаси»нинг даҳшатли сиёсати туфайли, сургун қилинган барча халқларга ўз юртига қайтишлари учун рухсат берилди. Дўстимнинг оиласи ҳам кўчишга тайёргарлик кўра бошлади. Биз, синфдошлар ўша кунлари Батталларникига келиб, уларнинг юкларини жойлаштиришга ёрдамлашдик. Мен бир нарсага аҳамият бердим. Батталнинг отаси ичида бир нарса шиғиллаб турган мўъжазгина қопчани машина ҳайдовчисига узатди:

—Мана бу нарсани ёнингизга қўйиб олинг. Йўқолмасин.

Бир неча соат ўтгач, машина кузовида дўстимнинг оиласини шаҳарга, вокзалгача кузатиб борарканман, Батталдан сўрадим:

— Ҳалиги қопдаги нима эди, оғайни? Олтин-полтин эмасми?

— Олтиндан ҳам қиммат, — деди дўстим, — бобомнинг суяклари у. Кеча қабрдан қазиб олдик. Юртимизга олиб бориб, ўша ерда дафн этамиз. Бобомнинг сўнгги васияти шу эди...

Эҳ, дунё, дунё... Кекса кавказликнинг-ку, ҳеч бўлмаса суяклари бут қолган экан. Аммо бошқа бир ватандошимизнинг ўзга юртларда ҳатто суяклари ҳам қолмабди. Тутун бўлиб ҳавога учиб кетибди.

«У ким эди?» деб сўрашингиз турган гап. Ўзим ҳам билмайман. Ҳозир воқеани сизга бир бошдан сўзлаб бераман.

***

1963 йили Германияда ҳарбий хизматни ўтар эдим. Гарнизонимиз даҳшати бутун оламга ёйилган Бухенвальд концентрацион лагери ёнидаги шаҳарда жойлашганди. Мусаффо баҳор тонгларининг бирида бир гуруҳ жангчилар ўша лагерни кўриб келиш учун бордик.

Этларимиз жунжикканча лагерь баракларини айландик. У ердаги маҳбусларни қатл этиш дастгоҳлари билан танишдик. Наридаги маҳбуслар баракларига йўл олдик. Бирининг устига бири ўрнатилган икки қатор тахта каравотлар ёнидан ўтиб борарканмиз, ногоҳ улардан бирининг узун тахтасига қандайдир ҳарфлар ўйиб ёзилганини кўриб қолдим. Яқинроқ келдим-да, синчиклаб разм солдим. Ҳа, тахтада лотин имлоси билан «Ўзбекистон, она Ватан» сўзлари ўткир тиғли бир нарса ёрдамида ўйиб ёзилганди... Юрагим жиз этиб кетди: Ўзбекистон, она Ватан!

Ким эди у? Исми нима эди унинг? Ботирми, Акмалми, Равшанми? Қаердан эди у — Тошкентданми, Фарғонаданми, Қаршиданми? Бу нарсани биз ҳеч қачон билолмаймиз. Лекин бир нарса аниқ эди: у сиз билан бизнинг Ватандошимиз, ўзимизнинг жони бир, тани бир ўзбегимиз эди!

***

Тўқсонинчи йилларда юз берган, Ватан тимсоли билан боғлиқ яна бир нарса ҳақида сўзлаб бермасам, ҳикоям тўлиқ бўлмаса керак, деб ўйлайман. Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилганидан кейин икки-уч ой ўтгач, хизмат туфайли Наманган шаҳрига бориб қолдим. Сўлим май ойи эди. Шаҳар гулга бурканганди. Дўстларимиздан кимдир бизни бир пиёла чойга таклиф қилиб қолди.

— Уйимизда Арабистондан келган қариндошларимиз бор. Икки оғиз гурунглашиб кетасизлар, — деди у.

Бордик. Хонадон анча гавжум эди. Ҳамма, айниқса, Саудия Арабистонидан келган меҳмонлар бизни тавозе билан қарши олдилар. Меҳмонлар арабча оппоқ кийимларга бурканган бўлиб, соч-соқоли ўсган, ёшлари бир жойга бориб қолган кишилар эди. Уларнинг катта боболари наманганлик бўлиб, қачонлардир Россия зулмига бардош беролмай бу юртдан бош олиб чиқиб кетишган экан. Биз билан юз кўришиб турган авлодлари эса Саудия Арабистонида туғилишибди. Лекин ўз она тилларини асло унутишмабди.

Мавлоно Абдуқодир гапни давом эттирди:

— Она юртимиз Ўзбекистон истиқлолга эришганини эшитиб Саудия Арабистонида биз хурсандчиликдан ўзимизни қўярга жой тополмай қолдик, ахир! Ҳазилакам иш эмас бу — бир юз ўттиз йиллик қулликдан сўнг истибдод зулмидан қутулиш! Биз ўтган йилнинг ўша муқаддас сентябрь кунлари Олмониядаги, Туркиядаги, Амриқодаги барча ўзбеклар бир-бирларимизни табрикладик. Телефон орқали бўлса-да, қувонганимиздан кўз ёши қилдик. Телеграммалар алмашдик.

Сизлар қандай катта бахтга мушарраф бўлганликларингизни ҳали ўзларингиз билмаяпсизлар, — давом этди Абдуқодир, — истиқлолнинг қанчалар буюк неъмат эканлиги йиллар ўтгач сизларга аён бўлади. Аммо, баҳорни эъзозламоқ учун қаҳратон қишнинг совуғини кўриш, чароғон куннинг қадрига етмоқ учун зим-зиё тунни бошдан кечирмоқ шартми?

Унинг ғусса тўла кўзлари намлана бошлаганлигини пайқадим, назаримни четга олдим.

Биз ўша кеч яна алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтирдик. Меҳмонлар хийла ўзига тўқ одамлар экан. Тижорат билан шуғулланишаркан. Лекин мен суҳбатдошларим ҳар қанча ганжу бойлик эвазига топиб бўлмайдиган нарсани — Ватан ҳидини қўмсаб келганликларига ишонч ҳосил қилдим ўша кун. Шу пайт хассос шоиримиз Сирожиддин Саййиднинг қуйидаги сатрлари ёдимга тушди:

**Бобо қирлардаги бир хас ё тикан,**
**Шу ҳам кимларгадир зўр армон экан.**
**Кўп экан зар топиб, зор бўлиб юрган,**
**Ватан қолар экан, Ватан абадий...**

***

Ҳа, мана энди гоҳо-гоҳо ўша ёшликда ёдлаган, лекин унча аҳамият бермаган матнлар устида кўп ўй сураман: «Ўлсам айрилмасман, қучоқларингдан...»

Она Ватаним! Ҳар биримиз сенинг меҳр тўла кўксингда тебраниб ўсаётган бир майсамиз, нав-ниҳолмиз. Сен бизнинг она бешигимизсан. Оллоҳ таоло ҳеч кимни сенинг иссиқ бағрингдан, қайноқ қучоғингдан бенасиб қилмасин!

**Қодиржон СОБИРОВ.**

## ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

*МОСКВА. Россия Федерациясида мамлакат Президенти сайловининг иккинчи босқичи дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, Россия Федерацияси ҳозирги Президенти Борис Ельцин сайловда ғалаба қозонди. Унга жами сайловда қатнашганларнинг 55 фоизга яқини овоз берди, коммунистлар раҳбари Геннадий Зюганов номзодини эса сайловчиларнинг қарийб 40 фоизи қўллаб-қувватлаган.*

***

***КАРАЧИ. Покистоннинг мазкур шаҳрида «Муҳожирлар Миллий Ҳаракати» (ММҲ) фаоллари ва полиция ўртасида рўй берган тўқнашув натижасида 11 нафар киши ҳалок бўлди, 20 дан зиёди оғир яраланди.***

***Сўнгги пайтларда асли ҳиндистонлик бўлган мазкур ҳаракат вакиллари билан полиция ўртасидаги тўқнашувлар Карачида оддий ҳол бўлиб қолди. Бу сафар ҳам ММҲ фаолларининг оммавий намойиши кутилмаганда қуролли тўқнашувга айланиб кетди. Аслида эса намойишчилар мамлакат қамоқхоналарида ҳибсдаги ММҲ вакилларини озод қилишни талаб қилиб чиққан эди.***

***

*ТЕЛЬ-АВИВ. Исроил Бош вазири Биньямин Нетаньяху Сурия Президенти Ҳафиз Асад билан Дамашқ шаҳрида учрашишга тайёр эканини маълум қилди. Учрашувдан мақсад — икки мамлакат муносабатларини тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги музокараларни боши берк кўчадан олиб чиқишдир, деди Исроил Бош вазири журналистлар билан учрашувда.*

*Исроил ҳукумат раҳбарининг таъкидлашича, учрашувда Яқин Шарқдаги тинчликни сақлаш, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Хеврон шаҳри муаммоси ва Жўлан тепалиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.*

## БУТУНДИР, ТУРКИСТОН, БУТУНДИР!

### МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР

Яқинда Тошкентда «Фалокатларга тайёр туриш бўйича минтақавий вазифалар» мавзуида уч кунлик халқаро минтақавий конференция-семинар ўз ишини якунлади. Уни Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари халқаро федерацияси Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти билан бирга ўтказди. Европа Иттифоқи ҳузуридаги мурувват ёрдами бўлими шафелик қилган бу анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматларининг вакиллари, шу давлатлар Қизил Ярим Ой жамиятларининг раислари, Югославия, Германия Қизил Ҳоч жамиятларининг, шунингдек минтақадаги халқаро ташкилотларнинг вакиллари, мутахассислар иштирок этди.

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон вакиллари анжуманда фавқулодда вазиятларга доир давлат режалари ва дастурларида Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим Ой жамиятларининг ўрнини ва имкониятларини ҳисобга олиш зарур, деган якдил хулосага келдилар.

### ҚАРДОШЛАР ЁРДАМИ

**Сўнгги пайтларда Тожикистоннинг қатор туманларида рўй берган табиий офат оқибатларини бартараф этишга кўмак бериш ҳақидаги илтимосларга биноан Ўзбекистон қўшни мамлакатга ёрдам беришга қарор қилди. Куни кеча Ўзбекистондан Душанбе шаҳрига қурилиш материаллари ортилган карвон етиб борди. Ёрдам шу куннинг ўзидаёқ табиий офатдан зарар кўрган Хатлон вилоятининг Куйбишев туманига жўнатилди.**

### ЁШЛАР БЕЛЛАШГАНДА

Наманганда Халқаро теннис федерацияси шафелигида халқаро ёшлар мусобақаси бошланди. Унда Марказий Осиёдаги бешта давлатдан 13 ёшгача бўлган 44 нафар ёш спортчи иштирок этмоқда. Улар орасида республикамизнинг 12 нафар спортчиси ҳам бор.

12 июлгача давом этадиган мусобақа Наманганнинг энг яхши кортларида ўтказилади. Ғолиблар Халқаро теннис федерациясининг махсус медаллари билан тақдирланади.



*Сиэтл. Бу бино ичида тропик ўсимликлар ўстирилади.*

Рей МЬЮЗ олган сурат.

## ҚИСҚАЧА

**• Хорижий расмий шахсларга Фаластин мухториятининг Шарқий Иерусалимдаги ваколатхонасига ташриф буюриш таъқиқланади. Исроил ҳукумати бундай ваколатхоналар фаолияти «Исроил пойтахти сифатидаги Иерусалим мақомига тўғри келмайди».**

***

**• Буюк Британия савдо стандартлари бўйича жавоб берувчи назоратчилар «Русская водка» ёрлиғи остидаги ароққа қарши ҳақиқий курашни бошлаб юбордилар. Бунинг сабаби шундаки, маҳаллий бозорни соғлиқ учун ўта хавфли бўлган ясама ароқлар тўлдириб юборилганидандир.**

***

**• Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб Европа Иттифоқи раислиги Ирландия қўлига ўтди. У бунгача «15 лар» ишини бошқариб турган Италия ўрнини эгаллади. Ирландия Европа Иттифоқига шу йилнинг охиригача раислик қилади.**

***

**• Номаълум кимса томонидан ўтган йили ўлдирилган тележурналист Владислав Листьевнинг онаси Зоя Листьева Москвада йўл-транспорт ҳодисаси туфайли аварияга учраб ҳалок бўлди. Бу ҳақда «Интерфакс»га Москва шаҳар ДАН бошқармасидан хабар қилишди.**

## АЙТГАНДА

*Шатранж оламида*

## АРАБИСТОНДА ТОШКЕНТ ДОВРУҒИ

Етакчи шахматчиларимиз улкан халқаро мусобақаларда иштирок эта бошлаганликларига ҳам 5 йилча бўлиб қолди. Шу орада улар Жаҳон олимпиадаси ва Осиё биринчилигининг кумуш медали совриндори, кўплаб шахсий халқаро биринчиликларнинг ғолиблари даражасига кўтарилдилар.

Бирлашган Араб Амирликларининг пойтахти — Дубай шаҳрида эришилган муваффақият ҳар қанча мақтовга сазовордир. Бу ерда ўтказилган Осиё қитъаси шаҳарлари ўртасида бўлиб ўтган чемпионатда 41 та терма жамоа қатнашиб, улар 9 турда ўзаро баҳс юритдилар. 10 кунлик қизғин спорт курашлари остида 36 имкониятдан 24,5 тадан очко жамғарган Тошкент ҳамда Самарқанд шахматчилари дастлабки икки ўринни баҳам кўрдилар. Айни чоғда қўшимча кўрсаткичлар бўйича самарқандликларни 3:1 ҳисобида мағлуб этган Тошкент терма жамоаси Осиё чемпиони, самарқандликлар эса вице чемпион номига лойиқ кўрилди. 3-ўринни қўлга киритган ханойликлар ғолибдан 3 очко ортда қолишди.

Тошкент терма жамоасида халқаро гроссмейстерлар Александр Ненашев, Михаил Салтаев, Сергей Загребельний, халқаро мастерлар Сайдали Йўлдошев, Рустам Қосимжонов ва Дмитрий Қаюмовлар дона сурдилар. Улар орасида айниқса, Ненашев билан Қосимжонов, самарқандликлардан эса халқаро мастер Тоҳир Воҳидов юқори натижага эришдилар.

Асосий мусобақа тугагач, жамоалар ўртасида тезкор шахмат бўйича мусобақалар ўтказилиб, бу борада 2-ўринга кўтарилган самарқандликлар ўзларини кўрсатишди. Дубайдаги ютуқ етакчи шахматчиларимизнинг нималарга қодир эканликларини кўз-кўз қилди. Энди гал Жаҳон шахмат олимпиадасига.

### ЭЛИСТАДА НИМА ГАП?

Қалмиғистон пойтахтида Жаҳон биринчилиги учун А. Карпов Г. Камский ўртасида давом этаётган мусобақанинг деярли 4/3 қисми поёнига етди. Ташаббус Жаҳон чемпионида бўляпти. Тож талабгори ҳам шижоат билан дона суриб, мухлисларни қувонтирмоқда. Ҳозирча ҳисоб (8:5). А. Карпов фойдасига ҳал бўляпти.

**Мамажон МУҲИДДИНОВ.**

*Ие, йўғ-е, наҳотки?!*

### «?» РЕСТОРАНИ

Бундан бир йил олдин Германиянинг Фюрт шаҳрида 37 ёшли немис Франц Байер ғаройиб ресторан, очувди, яъни ҳаммаси — ресторан, номидан тортиб, таомномасигача «?» дан иборат.

Ўшанда кўпчилик «Бу ресторан тезда ёпилиб кетса керак, зарар кўраверib» дейишганди. Аммо ёпилиш у ёқда турсин гуллаб-яшнаяпти.

Ресторанинг ғаройиблиги шундаки, унинг номи «?», ичидаги барча таомномалари ҳам юқорида айтганимиздек «?»лардан иборат. Демак, хўранда келади, таомномадаги «?»лардан бир нечтасини танлайди. Официант ўша «?»ларнинг номини айтади. Пулига келсак, уни официант айтмайди — хўранданинг ўзи ҳал қилади, яъни дилидан чиққанини беради, фақат инсоф билан. Бу қоида ресторан уставига киритиб қўйилган.

### ОВҚАТ, ОВҚАТ ВА ЯНА ОВҚАТ

Бу кўҳна дунёда касалликнинг минг бир тури бор. Бу камлик қилгандек, энди маълум бўлишича, овқатланиш касаллиги ҳам бор экан.

Англиянинг Брэфорд шаҳарчасида яшовчи ака-ука Лайам (15 ёш) ва Келвин (13 ёш) Хэйлар шундай касалликка йўлиқишган, яъни уларнинг овқат ҳазм қилиш органлари шунчалар тез ишлайдики, еган овқати бирпасда йўқ-да. Шунинг учун улар тинимсиз овқатланиб, доим нимадир еб туришига тўғри келмоқда. Агар бир-бир ярим соат овқатланмай қўйсин тамом — ҳушидан кетади. Ҳозир бундай касалликка йўлиққанлар Англияда 12 нафарни ташкил этади.

## ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

**ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР**

### ХУРРАК ОТСАНГИЗ СЕМИРИБ КЕТАСИЗ

***Ўрта ёшдан ўтиб қолган кишилар уйқусида хуррак отса семиришни бошлар экан. Ёши 90 дан ошиб қолган 508 нафар қария устида тадқиқот ишлари олиб борган америкалик тиббиётчилар шундай хулосага келишди.***

***Шу пайтгача семиз одам хуррак отади, негаки, клетчаткаларда йиғилиб қолган ёғ одам нафас олишини қийинлаштиради, деган ақида ҳукм суриб келарди. Эндиликда эса аксинча.***

### КЎЗИНИ БОҒЛАБ ЮРАДИ

***Американинг Орландо шаҳридаги серқатнов кўчалардан бирида болалар бўш шишага тош отиб ўйнашаётганди. Бироқ ўйиндан ўт чиқди. 15 ёшли Чамберсом отган тош кўчадан ўтиб кетаётган германиялик сайёҳнинг машинасига тегди ва олд ойнани синдириб, ичидаги йўловчининг кўзини чиқариб қўйди. Бир кўзидан айрилган йўловчи болани судга берди. Суд эса болага бир йил қамоқ жазоси белгилади ва 29 йил давомида полиция рўйхатида туришини тайинлади. Шу билан бирга 24 минг доллар жарима солди.***

***Суд ҳукмининг қизиғи шундаки, Чамберсом бир йил муддатга қамалган бўлса, шу бир йил давомида доимо чап кўзини боғлаб юриши шарт. Суднинг айтишича, гўё шу усул билан кўр бўлиш нечоғли азоблигини Чамберсомга тушунтириб қўймоқчи.***

### ЎЗИНГИЗНИ САВАЛАНГ

Одам ўзини яхши ҳис қилиши ва энг осон йўл билан соғлиғини сақлаш учун нима қилиш керак, деб японлардан сўрасангиз, «Ўзингни ўзинг савала!» деб жавоб беришади. Бироқ улар ҳам «бало», билмаган нарсаси йўқ. Ҳақиқатан ҳам ўзини савалаш яхши натижа берар экан, яъни товонни ва оёқ бармоқлари тагини калтак ёки бўш шиша, қисқаси қўлингизга нима илинса, шу нарса билан аста-аста «саваласангиз» танада қон айланиши яхшиланаркан.

Хўш, қачон савалаш керак ва неча марта? Хоҳлаган пайтингизда ва юз марталаб бу машғулотни қайтариш мумкин. Буни япон шифокор-мутахассислари ҳам тасдиқлашган.

### ЧЕКМОҚЧИ ЭДИ ЁНИБ КЕТДИ

Вологданинг Яганово қишлоғида яшовчи Петров 44 ёшида бу дунёдан кўз юмди. У ҳали кўп яшаши мумкин эди, бироқ...

Гап шундаки, Петров улфатлари билан спирт ичишаётувди. Улфатлари ўзларича «тост» айтиб, спиртни стаканда ичишди. Навбат Петровга келганда стаканда ичишни ўзига эп кўрмади, шартта банка бўйича (уч литрли) кўтарди. Натижада спиртнинг анчаси эгнига тўкилиб кетди. Парво қилмади. Бироздан сўнг Петровнинг чеккиси келди ва сигаретни энди ёндирган ҳам эдики, «лоп» этиб ўзини ҳам олов олди. Шундай қилиб, тириклайин куйиб ўлди.

